

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/04.06.2020.Ped 70.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

ТУРСУНОВ МИРОЛИМ АҲМАДОВИЧ

**ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ
АСОСИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ ОЛИШ
МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(Ахборот технологиялари фани мисолида)**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (Информатика)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши – 2022

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on pedagogical
sciences

Турсунов Миролим Аҳмадович

Электрон таълим ресурсларидан фойдаланиш асосида талабаларнинг
мустақил таълим олиш методикасини такомиллаштириш
(ахборот технологиялари фани мисолида) 5

Турсунов Миролим Аҳмадович

«Совершенствование методики самостоятельного образования студентов на
основе использования электронных образовательных ресурсов (на примере
дисциплины Информационные технологии)»..... 23

Tursunov Mirolim Akhmadovich

Improving the methodology of self-education of students based on the use of
electronic educational resources (On the example of the discipline Information
Technology).....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 51

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/04.06.2020.Ped 70.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

ТУРСУНОВ МИРОЛИМ АҲМАДОВИЧ

**ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ
АСОСИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ ОЛИШ
МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(Ахборот технологиялари фани мисолида)**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (информатика)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.4.PhD/Ped2892 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.qarshidu.uz) ҳамда “ZiyoNet” ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Узаков Заир

физика-математика фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Эргашева Гулрухсор Сурхониддиновна

педагогика фанлари доктори, профессор

Жўраев Акмал Раззоқович

педагогика фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Навий давлат педагогика инситути

Диссертация ҳимояси Қарши давлат университети ҳузуридаги PhD.03/04.06.2020.Ped 70.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил “_____” “_____” соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17-уй. Тел.: (99875) 225-34-13; факс: (99875) 221-00-56; e-mail: qardu@mail.ru). Қарши давлат университети Педагогика факультети, 217-хона.

Диссертация билан Қарши давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (89 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 180103, Ўзбекистон, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17-уй. Тел.: (99875) 225-34-13; факс: (99875) 221-00-56. e-mail: qardu@mail.ru).

Диссертация автореферати 2022 йил “_____” _____ куни тарқатилди (2022 йил “_____” _____ даги _____ - рақамли реестр баённомаси).

Р.Д.Шодиев

Илмий даражалар берувчи

илмий кенгаш раиси,

п.ф.д., профессор

И.Б.Камолов

Илмий даражалар берувчи

илмий кенгаш илмий котиби,

п.ф.ф.д. (PhD)

Ш.Ў.Нуруллаева

Илмий даражалар берувчи

илмий кенгаш қошидаги

илмий семинар раиси,

п.ф.д.(Dsc), доцент

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ахборотлашган жамиятнинг ривожланиб бориши бўлажак муҳандислардан узлуксиз тарзда билимларни мустақил эгаллаб, тўлдириб боришни, фаолиятлари давомида малака ва касбий маҳоратларини оширишга интилишини тақозо этади. Ўз билимини мустақил ошириш билан шуғулланадиган бўлажак мутахассислар фан, таълим, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳалардаги янгиликларни ўрганиш ва уларни амалда қўллаш асосида касбий ҳамда индивидуал ривожланиш вазифаларини мустақил равишда белгилаб олиш қобилиятига эга бўлади. Электрон таълим ресурслари ёрдамида талабаларнинг мустақил таълим олиш кўникмаларини шакллантириш педагог тадқиқотчиларни ҳар доим қизиқтириб келган. Таълимга оид материалларни электрон таълим ресурслари орқали тақдим этиш муҳим аҳамият касб этиб, у замонавий илмий-амалий билимларнинг педагогик технологияларида етарли даражада акс этиришни тадқиқ этиш билан белгиланади ҳамда бир қатор умумкасбий ва касбий компетентликларни шакллантиришга имкон беради.

Дунё таълим тизимида электрон ресурслардан фойдаланиш асосида талабаларда мустақил таълим олиш кўникмаларини шакллантириш методикасини такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Электрон таълим технологияларидан фойдаланиш шахсларнинг таълим олиш жараёнида муҳим эҳтиёжга айланиб бормоқда. Шу нуқтаи назардан мустақил таълим олишда электрон таълим ресурсларидан самарали фойдаланиш йўллари излаш ва улардан мақсадли фойдаланишга алоҳида эътибор берилмоқда. Шунга мувофиқ тарзда, таълим тизимида ахборотларни тақдим этишнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда электрон таълим ресурсларидан самарали фойдаланиш педагогикада анъанавий бўлган, бўлажак касбий фаолиятга ҳамда мустақил таълим олиш тамойилларига асосланган.

Мамлакатимиз олий таълим тизимида талабаларнинг мустақил таълим олиш кўникмаларини шакллантиришда электрон ресурслардан фойдаланишнинг ҳозирги ҳолати замонавий талабларга тўла жавоб бермайди. Мазкур ҳолат бўлажак муҳандисларни самарали тайёрлаш йўллари топишнинг инновацион усулларини излаш, мутахассисларни тайёрлашнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олишни талаб қилади. Бу эса талабаларнинг мустақил таълим олиш кўникмалари етарли даражада шаклланмаганлиги ва уларни электрон таълим муҳитида такомиллаштиришнинг самарали воситаларини излаш зарурлигини ва долзарблиги кўрсатади. Электрон таълим ресурсларининг дидактик имкониятлари ортиб бориши, талабаларнинг электрон манбалардан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш методикасини такомиллаштиришни тақозо этади. Электрон таълим ресурслари ва улардан фойдаланиш кўникмалари талабаларга фанларни ўзларида муҳим асос яратади ва катта имконият беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни, шу жумладан, миллий электрон таълим ресурслари яратилишини жадаллаштириш, хорижий электрон таълим ресурсларини таржима қилиш ишларини ташкил этиш, таълим жараёнида электрон ресурслар салмоғини босқичма-босқич ошириб бориш, электрон ўқув адабиётлар яратиш, уларни мобил қурилмаларга юклаб олиш мақсадида кутубхоналарда QR-код ёрдамида электрон ресурслар ҳақидаги ахборотларни жойлаштириш тизимини яратишни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация иши Ўзбекистон педагогика илмий-тадқиқот институти Қорақалпоғистон филиалида амалга оширилган ХТ-0-119929-рақамли “Таълим қорақалпоқ тилида ўқитиладиган мактабларнинг 8-9 синфлари учун аниқ фанлар бўйича электрон дарслик ва методик тавсия иловасини яратиш ҳамда ўқув жараёнига жорий этиш (математика, информатика)” мавзусидаги фундаментал илмий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимиз олимларидан таълим жараёнига ахборот ва коммуникация технологияларини тадбиқ этиш доирасида электрон ресурслардан фойдаланиш усуллари, масофадан ўқитиш технологияларини қўллаш муаммолари устида А.А.Абдуқодиров, М.М.Арипов, У.Ш.Бегимкулов, Р.Ҳ.Жўраев, Ф.И.Закирова, Р.Д.Шодиев, Н.И.Тайлақов, У.М.Мирсановлар изланишлар олиб боришган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари олимларидан И.М.Кузнецова, А.А.Кузнецов, И.А.Коровина, М.А.Измайловлар талабаларнинг ўз устида ишлаш тизими, мустақил фаолиятини ташкил этиш борасида тадқиқот олиб борган бўлсалар, Ю.П.Зинченко, С.Д.Каракозов, Г.В.Князева, В.А.Кудиновлар таълим жараёнини ахборотлаштириш муаммолари устида изланишлар олиб борганлар.

Хорижий мамлакатлардан Ch.Crook, K.Daphne, L.Galliani, E.C. Jansen, M.Nentwich, A.Pritchard, W.Richardson, C.Soukup каби тадқиқочиларнинг педагогикага оид илмий-методик изланишларида мазкур илмий ишимизда керак бўладиган ҳамда баъзи аспекти очиб берилган бир қанча илмий ишланмаларни учратиш мумкин.

Диссертация тадқиқоти муаммоси бўйича жаҳон олимлари томонидан бир неча йўналишларда изланишлар олиб борилган. Жумладан, муҳандисларнинг интеллектуал-психологик хусусиятлари Ю.Д.Бабаева, Э.А. Орел, Н.В.Чудова, Б.Шнейдерманнинг тадқиқотларида; ўқув фаолиятида электрон ресурслардан фойдаланишнинг услубий жиҳатлари Л.Х.

Зайнутдинова, О.В.Данилова, И.Н.Емельянова, В.Н.Лаврентьев, С.Crook, A.Pritchard, W.Richardson, C.Soukup томонидан олиб борилган тадқиқотларда ўрганилиб чиқилган.

Тадқиқот мавзуси бўйича ўтказилган таҳлил ва муаммонинг ҳолатини ўрганиш натижалари куйидагилар ўртасидаги қарама-қаршиликлар мавжудлигини кўрсатмоқда: касбий маҳоратини ривожлантиришга қодир бўлган муҳандисларни тайёрлаш бўйича ижтимоий буюртма ва талабаларда мустақил таълим олиш кўникмаларининг етарли даражада шаклланмаганлиги; таълим мақсадларидаги электрон ресурсларнинг дидактик имкониятлари ва талабаларнинг мустақил таълим олиш кўникмаларини шакллантиришда улардан фойдаланиш метод ва шартларининг етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги. Талабаларда мустақил таълим олиш кўникмаларини шакллантириш жараёнининг дастурий-методик таъминотида мавжуд камчиликлар бу соҳани ривожлантириш зарурлигини кўрсатади. Бу эса, талабаларда мустақил таълим олиш кўникмаларини замонавий ахборот технологиялари асосида шакллантириш методикасини такомиллаштиришнинг дастурий-методик таъминотини ишлаб чиқишни талаб этади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Ўзбекистон педагогика илмий-тадқиқот институти Қорақалпоғистон филиалида амалга оширилган ХТ-0-119929-рақамли “Таълим қорақалпоқ тилида ўқитиладиган мактабларнинг 8-9 синфлари учун аниқ фанлар бўйича электрон дарслик ва методик тавсия иловасини яратиш ҳамда ўқув жараёнига жорий этиш (математика, информатика)” мавзусидаги фундаментал илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади электрон таълим ресурслари ёрдамида талабаларнинг мустақил таълим олиш кўникмаларини шакллантириш методикасини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

илмий-методик, психологик-педагогик адабиётларни таҳлил қилиш орқали электрон таълим ресурслари ёрдамида талабаларнинг мустақил таълим олиш кўникмаларини шакллантиришнинг мазмунини аниқлаш;

талабаларда мустақил таълим олиш кўникмаларни ва таянч билимларни шакллантирувчи электрон таълим ресурсларининг дидактик имкониятларини очиб бериш;

талабаларда электрон таълим ресурсларидан фойдаланган ҳолда мустақил таълим олиш кўникмаларини шакллантириш моделини ишлаб чиқиш, уни амалиётга тадбиқ этилишининг ташкилий-педагогик шартларини аниқлаш;

электрон таълим ресурслари ёрдамида талабаларнинг мустақил таълим олиш кўникмаларини шакллантириш методикасини такомиллаштиришга мўлжалланган таълим платформасини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.

Тадқиқотнинг объекти электрон таълим ресурслари ёрдамида талабаларда мустақил таълим олиш кўникмаларини шакллантириш жараёнидан иборат.

Тадқиқотнинг предмети муҳандислик йўналиши бўйича таҳсил олаётган талабаларнинг мустақил таълим олиш кўникмаларини шакллантиришда электрон таълим ресурсларидан фойдаланишнинг мазмуни, шакли, методи ва воситаларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот давомида назарий таҳлил, сўровномалар, тестлар, педагогик тажрибалар, педагогик кузатув, тажриба натижаларини таҳлил қилишнинг математик статистика усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

талабаларнинг мустақил таълим олиш кўникмаларини шакллантириш тушунчаси электрон манбалардан керакли маълумотларни танлаш, улардан унумли фойдаланиш ҳамда мустақил таълимни англаган ҳолда ташкил этиш фаолиятларига педагогик рефлексиянинг ўз-ўзини англаш, ўз устида ишлаш, ўз-ўзига баҳо бериш каби компонентларини киритиш асосида аниқлаштирилган;

талабаларда мустақил таълим олиш кўникмаларини, таянч билимларни шакллантирувчи электрон таълим ресурсларининг компьютер тренажёрлари, имитацион ўйинлар, кроссвордлар, мультимедиа тақдимотлари, электрон тестлар каби мотивацион ва дидактик имконияти ҳамда рефлексив кўникмаларни шакллантиришда ўзини-ўзи таҳлил қилиш, фаолиятни ва унинг натижаларини назорат қилишнинг педагогик имконияти аниқлаштирилган;

талабаларда электрон таълим ресурслари ёрдамида мустақил таълим олиш кўникмаларини шакллантириш модели унинг мазмуний-таркибий блокадаги йўналтириш, праксиологик, натижавийлик босқичларида амалга ошириладиган ташкилий, ахборот-таҳлилий, рефлексив шаклларни киритиш орқали такомиллаштирилган;

талабаларда виртуал таълим муҳитида мустақил таълим олиш кўникмаларини шакллантириш методикаси порталлари ва сайтлари орқали таълим олиш жараёнини автономлаштириш ва мустақил таълим топшириқларини он-лайн бажаришнинг индивидуаллиги, узлуксизлиги ва амалиёт билан боғлиқлиги тамойиллари асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари ўзаро боғлиқ бўлган электрон дарсликлар ва ўқув қўлланмалар, фанларнинг электрон ўқув-услугий мажмуалари, ўқув порталлари ва сайтлари каби элементлар тўплами орқали функционал имкониятларга эга электрон ўқув мажмуаси сифатида электрон таълим ресурсларнинг амалий тушунчаларини кенгайтиришга ёрдам беради.

Диссертацияда олинган амалий натижалар таълим назарияси ва методикасининг концептуал терминологик аппаратини тўлдиради, электрон таълим ресурслари ёрдамида талабаларнинг мустақил таълим олиш кўникмаларини шакллантиришда, талабалар билими ва кўникмаларини рағбатлантириш ва назорат қилишда қўлланилади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот объекти ва предметининг фанлараро таҳлили билан таъминланади; тадқиқот мақсади ва вазифаларига мос бўлган назарий ва амалий тадқиқотлар методларини мажмуавий қўллаш; натижаларни тўплаш, қайта ишлаш ва шарҳлашнинг замонавий усулларини қўллаш; тажриба-синов ишлари орқали маълумотларга эга бўлиш, уларга статистик ишлов бериш ҳамда қайд этувчи ва шакллантирувчи тажрибалар натижаларини таққослаш; тажриба-синов ишларининг давомийлиги; башорат қилинган натижалар ва олинган маълумотларнинг бир-бирига мослиги; тажриба-синов ўтказилган таълим муассасалари раҳбариятининг ижобий хулосаси билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот ишининг илмий аҳамияти шундаки, талабаларнинг электрон таълим ресурслардан фойдаланган ҳолда мустақил таълим олиш кўникмаларини такомиллаштиришда индивидуал-фаолиятли ёндашувдан самарали фойдаланилди. Илмий-назарий дидактик ва методик тамойилларни қўллаш чегараларини кенгайтириш ва таълим методикасининг назарий тушунчалари билан бойитиш амалга оширилди. Фаолият давомида учраши мумкин бўлган ички ва ташқи тўсиқлар аниқланди, бу эса уларни бартараф этиш ҳамда электрон таълим ресурслар орқали талабаларда мустақил таълим олиш кўникмаларини шакллантиришда башорат қилиш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти куйидагилардан иборат: талабаларнинг мустақил таълим олиш кўникмаларини назорат қилиш ва баҳолашнинг холислигини, изчиллигини таъминловчи мотивацион-кадриятли, фаолиятли ва рефлексив-баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилди; тегишли кўрсаткичлар бўйича талабаларнинг мустақил таълим олиш кўникмалари шаклланишини назорат қилиш ва натижаларини баҳолаш; талабаларнинг мустақил таълим олиш бўйича йўриқномалар ҳамда электрон ресурсларга ҳаволаларни ўз ичига олган электрон таълим муҳитига интеграциялашган электрон таълим платформаси ишлаб чиқилди ва педагогик амалиётда жорий этилиб, синовдан ўтказилди; яратилган платформа муҳитидан бошқа фанлар бўйича ҳам мустақил таълимни ташкил этиш мақсадида фойдаланиш мумкин; талабаларнинг мустақил таълим олиш кўникмаларини такомиллаштиришда электрон таълим ресурслари мажмуаси элементларидан фойдаланиш методикаси электрон таълим платформаси билан бойитилди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Талабаларнинг мустақил таълим олиш кўникмаларини шакллантириш тушунчаси электрон манбалардан керакли маълумотларни танлаш, улардан унумли фойдаланиш ҳамда мустақил таълимни англаган ҳолда ташкил этиш фаолиятларига педагогик рефлексиянинг ўз-ўзини англаш, ўз устида ишлаш, ўз-ўзига баҳо бериш каби компонентларини киритиш асосида аниқлаштирилганлигига оид хулосалардан “Ахборот технологиялари” ўқув қўлланмасини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2022 йил 25 ноябрдаги 388-буйруғи билан тасдиқланган.

Гувоҳнома № 388-229). Натижада, талабаларнинг Ахборот технологиялари фанидан бажарадиган мустақил ишлари мазмунан бойитилган;

талабаларда мустақил таълим олиш кўникмаларини, таянч билимларни шакллантирувчи электрон таълим ресурсларининг компьютер тренажёрлари, имитацион ўйинлар, кроссвордлар, мультимедиа тақдимотлари, электрон тестлар каби мотивацион ва дидактик имконияти ҳамда рефлексив кўникмаларни шакллантиришда ўзини-ўзи таҳлил қилиш, фаолиятни ва унинг натижаларини назорат қилишнинг педагогик имкониятига оид маълумотлардан И-ХТ-0-119929-рақамли “Таълим қорақалпоқ тилида ўқитиладиган мактабларнинг 8-9 синфлари учун аниқ фанлар бўйича электрон дарслик ва методик тавсия иловасини яратиш ҳамда ўқув жараёнига жорий этиш (математика, информатика)” мавзусидаги фундаментал илмий лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон педагогика илмий-тадқиқот институти Қорақалпоғистон филиали 2022 йил 15 сентябрдаги 230-сонли маълумотномаси). Натижада электрон дарсликларнинг педагогик имкониятларини таълим мазмунига кўра оширишга эришилган;

талабаларда виртуал таълим муҳитида мустақил таълим олиш кўникмаларини шакллантириш методикаси порталлари ва сайтлари орқали таълим олиш жараёнини автономлаштириш ва мустақил таълим топшириқларини он-лайн бажаришнинг индивидуаллиги, узлуксизлиги ва амалиёт билан боғлиқлиги тамойиллари асосида такомиллаштирилганлигига оид тажрибалардан “Ўзбекистон олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган Қашқадарё ёшларининг e-portfolio платформасини яратиш” мавзусидаги инновацион лойиҳада (шартнома № 02, 01.06.2021й.) фойдаланилган. Натижада талабаларнинг ахборот технологияларидан фойдаланишга доир касбий компетенциялари ривожланади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокомадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий-услубий ишлар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола жумладан, 2 таси хорижий журналларда, 5 таси республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 138 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, ишнинг мақсади, вазифалари ва объекти ҳамда предмети тавсифланган, республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, мавзу доир нашр қилинган илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ахборот технологиялари фанидан мустақил таълимни ташкил этишда электрон таълим ресурслардан фойдаланишнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида мустақил “таълим” ва “узлуксиз таълим” каби тушунчаларнинг моҳияти очиб берилган. Мустақил таълим тушунчаси “таълим” ва “узлуксиз таълим” каби тушунчалар билан интеграциялашган ҳолатда ўзаро боғлиқ бўлиб, ҳозирги кунда таълим олишнинг асосий шаклларида бирига айланиб бораётган таълим турини англатади. Таълим олиш жараёнининг узлуксизлиги эдукология (таълимшунослик) нуқтаи-назаридан замонавий таълимнинг асосий хусусиятларидан бири ҳисобланади.

Мустақил таълим фаолияти таълим олишнинг асосий дидактик воситаларидан бири бўлиб, мустақил таълим кўникмасининг шаклланиши бўлажак мутахассисликни эгаллашга, узлуксиз таълим тизимининг барча “йўналишлари” бўйича муваффақиятли таълим олишга имкон беради. Шубҳасиз, бугунги кунда талабаларнинг мустақил таълим олиши олий таълимнинг етакчи фаолиятига айланиб бормоқда, унинг самарадорлиги эса мустақил равишда таълим олишнинг шаклланган кўникмаларига боғлиқ.

Бўлажак муҳандисларда мустақил таълим олиш кўникмаларини шакллантиришга қаратилган электрон таълим ресурсларини ишлаб чиқишда, улардан фойдаланишни режалаштириш ва ташкиллаштиришга қаратилган мақсад ва вазифаларни белгилаб олиш методикасига эътибор қаратиш лозим.

Электрон таълим ресурсларидан фойдаланиш таълим олувчиларга мустақил таълим олиш фаолиятини амалга ошириш учун қулай бўлган имконият яратади. Уларнинг ҳар бирини ёши ва турар маконига оид ўткинчи чегаралар ва тўсиқларни олиб ташлаб, улар учун бутун ҳаёт давомида қулай бўлган тартибда сифатли таълим олиш имкониятини беради. Талабалар томонидан электрон таълим ресурсларидан фаол равишда мустақил фойдаланиш бўлажак мутахассисларнинг таълимий, маданий ва касбий савияси даражасини ошириб боради. Электрон таълим ресурслари талабаларнинг ҳар томонлама маънавий ривожланшини шакллантиришга ёрдам беради, бўлажак касбий фаолиятнинг тегишли соҳасида юқори касбий компетентлигини шакллантириш ва ривожлантириш учун хизмат қилади.

Электрон таълим ресурслари тор маънода дидактик восита ҳисобланади. Ахборотни қидириб топиш, таълим жараёнларини бошқариш билан боғлиқ замонавий ўқитишнинг дидактик воситаларига “ўқув жараёнини ташкил этиш

ва фаолиятининг асосий тамойилларига жавоб берадиган дастурий таъминот ва техник воситалар” деб аталувчи электрон таълим ресурслари киради. Электрон таълим ресурслари устида олиб борилган турли тадқиқот ишларини ҳар хил мезонларга мувофиқ таҳлил қилиш натижасида электрон таълим ресурслари қуйидагича таснифланиши аниқланди: яратиш технологиялари; тарқатиш ва фойдаланиш муҳити; амалга оширишга хизмат қилувчи ресурслар; электрон таълим таркибини ташкил этувчи ресурслар; мақсадни белгиланишига кўра ресурслар; функционал хусусиятига кўра ресурс турлари; жойлашувига кўра ресурс турларига ажратилади.

Бўлажак муҳандисларда мустақил равишда таълим олиш кўникмасини шакллантиришда фойдаланиладиган электрон таълим ресурслари мажмуаси мазкур тадқиқот ишида ҳар бири ўз функционал вазифаларини бажарадиган ўзаро боғлиқ элементлар тўплами сифатида тақдим этилган. Электрон ахборот таълим ресурслари мажмуаси элементларини электрон дарсликлар, ўқув кўлланмалар, фанларнинг электрон ўқув-методик мажмуалари, ўқув порталлари ва сайтлари, электрон кутубхоналари ташкил қилади. Мазкур тадқиқот ишида электрон таълим ресурслари мажмуасини тадбиқ этишнинг асосий мақсади – талабалар томонидан фанларни самарали ўзлаштириш учун зарур бўлган маълумотларни мустақил излаб топиш ва улардан унумли фойдаланиш кўникмаларини ривожлантириш, бўлажак муҳандисларда мустақил таълимнинг ташкилий, ахборот-таҳлилий ва рефлексив кўникмаларини такомиллаштиришдан иборат.

Электрон таълим ресурслари тадбиқ этилишига қараб, кўрғазмали ўқув кўлланмалар, талабалар билим ва кўникмаларини назорат қилиш учун мўлжалланган ресурслар, таълимни ташкил этишнинг автоматлаштирилган тизимлари каби гуруҳларга бўлинади ҳамда таҳлил қилинди. Электрон таълим ресурсларининг қуйидаги асосий: ахборотлаштириш; тизимлаштириш ва таркиблаштириш; ўзини-ўзи назорат қилиш ва ўқув материални мустақамлаш; мустақил таълим олиш; ресурсларни интеграция қилиш; таълимнинг шахсга йўналтириш; интерактивликни таъминлаш; мослашувчанлик каби дидактик вазифалари таҳлил қилинди ҳамда электрон таълим ресурсини яратиш учун асос қилиб олинди. Электрон таълим ресурсларининг юқорида тақдим этилган функцияларидан фойдаланиш талабаларга индивидуал таълим олиш, электрон таълим муҳитига мослашиш ва интерактив мустақил таълим фаолиятини ташкил этиш имкониятини беради.

Мазкур тадқиқот ишида электрон таълим ресурсларнинг кўриб чиқилган дидактик функциялари талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этишда босқичма-босқич ишлашни таъминлаш билан бир қаторда, талабаларнинг индивидуал таълим ютуқларини кузатиш ва назорат қилиш каби педагогик вазифаларни амалга ошириш имкониятини бераши кўрсатилган. Психологик-педагогик тадқиқотлар шуни кўрсатдики, агар талаба маълумотларни ўзлаштириш даражасини доимо ўзи баҳолаб борса, янги билимларни ўрганиш анча самарали бўлади. Электрон таълим ресурслари ёрдамида амалга

оширилган ўзини-ўзи бошқариш имконияти талабаларнинг билим олишда фаоллигини рағбатлантиришнинг самарали воситаси бўлиб хизмат қилади.

Электрон таълим ресурслари мажмуасидан фойдаланган ҳолда талабаларнинг мустақил таълим олиш фаолияти бошқариладиган ва талабаларнинг индивидуал ўзига хос хусусиятларига мослаштирилган бўлади. Электрон таълим ресурсларининг мослашувчанлик, оптималлаштирувчи, рағбатлантирувчи ва ўзини-ўзи назорат қилиш вазифаларининг педагогик имкониятлари қуйидагилардан иборат:

- ташкилий – таълим олиш жараёнини талабаларнинг индивидуал, ўзига хос хусусиятларига мослаштириш; мустақил таълим фаолиятининг алоҳида траекторияси белгилаш; электрон таълим ресурслари билан босқичма-босқич ишлаш; ахборот излаш фаолиятини фаоллаштириш;

- технологик - мустақил таълим фаолиятини интерактив ва мультимедиа воситалари билан қўллаб-қувватлаш; гиперматнли технологиялардан фойдаланиш; электрон таълим ресурслари мажмуаси элементларининг ўзаро боғланган ҳолда таъсирини ўтказиши;


- дидактик - фан бўйича ўқув материалларининг компьютерда кўргазмалилиги, ошкоралиги, тушунарлилиги, визуаллаштирилганлиги, электрон таълим ресурслари мажмуаси дидактик элементларининг тизимли ўзаро таъсири;

- ташхислаш - ўқув топшириқларини бажаришда турли манбалардан фойдаланиш, ўзини-ўзи баҳолаш.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Талабаларда электрон ресурслардан фойдаланиб мустақил таълим олиш кўникмаларини такомиллаштириш методикаси”** деб номланиб, унда электрон таълим ресурсларидан фойдаланган ҳолда бўлажак муҳандисларда мустақил таълим кўникмасини шакллантириш жараёнининг модели, шу жумладан, мақсади, ёндашуви, тамойиллари, усуллари, шакллари, ташкилий педагогик шарт-шароитлари, босқичлари, мезонлари ва кўрсаткичлари ҳамда таҳлил натижаси кўриб чиқилиб, электрон таълим ресурслари ва улардан амалиётда фойдаланиш методикаси ҳақида фикр юритилган.

Мазкур тадқиқот ишида бўлажак муҳандисларда мустақил таълим кўникмасини шакллантириш жараёнининг моделини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлиб, модель ўрганилаётган жараённинг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиш кетма-кетлигини ифодалайди. Мазкур тадқиқот ишида ишлаб чиқилган жараён модели ушбу илмий тадқиқот мантиғи асосида тузилган: мақсад, услубий, мазмуний-таркибий, назорат блоклари ўзаро боғлиқ блоklar тўплами бўлиб, 1-расмда тақдим этилган. Модел ҳақида янада аниқ тасаввурга эга бўлиш мақсадида тавсия этилган модел блоklarининг асосий хусусиятлари баён қилинган.

“Ахборот технологиялари” фанини ўқитишда электрон таълим ресурсларидан фойдаланиш ҳар бир мавзунинг моҳиятидан келиб чиқиб ёндошиш, мультимедия технологияларидан фойдаланиш, турли хил назорат турларини ишлаб чиқиш, виртуал лаборатория ишларидан фойдаланиб, таълим сифати ва самарадорлигини ошириш имкониятини беради.



1-расм. Электрон таълим ресурслари воситасида мустақил таълим олиш кўникмаларини такомиллаштириш модели.

Мазкур тадқиқот ишида бўлажак муҳандисларда мустақил таълим кўникмасини шакллантиришнинг қуйидаги уч босқичи кўриб чиқилади: йўналтириш, праксеологик ва натижавийлик босқичлари. Биринчи босқич йўналтириш босқичи бўлиб, бу босқичда иммитацион ўйин технологиялари асосида, талабаларда ахборот ва коммуникация технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини ҳосил қилиш билан бир қаторда мавзу юзасидан асосий тушунчалар ва терминларни ўрганиш ва ўзлаштиришнинг энг содда турларидан фойдаланилади. Иккинчи босқич бу ўрганиш босқичи, унинг мақсади бўлажак муҳандисларни электрон ресурслардан фойдаланган ҳолда фан мавзуси бўйича тақдим этилаётган маълумотларни мустақил ўзлаштиришга жалб қилишдир. Ушбу босқичда талабалар умумий касбий фанлар ва модуллар бўйича лаборатория ва амалий вазифаларни бажарадилар, конференциялар ва танловларда фаол қатнашадилар. Натижада, талабалар мустақил лойиҳалар ишлаб чиқиш фаолиятига жалб қилинади.

Талабада мустақил таълим фаолиятини режалаштириш кўникмасининг шаклланганлиги электрон таълим ресурсларида тақдим этилган маълумотлардан оқилона фойдаланиб, мавзуга доир топшириқларни мустақил бажариши натижасида ўзини-ўзи баҳолаш кўникмалари ҳосил бўлади. Ушбу босқичда талабалар фанларнинг электрон ўқув методик мажмуалари ва электрон кутубхоналардан фойдаланадилар.

Бўлажак муҳандисларда мустақил таълим кўникмасини шакллантиришнинг учинчи босқичи натижавий босқич бўлиб, ҳар бир талаба юқоридаги босқичларда эгаллаган билим ва кўникмаларидан фойдаланиб, мавзу бўйича белгиланган мустақил таълим вазифаларини бажаради. Бу босқичнинг мақсади - талабаларнинг мустақил таълим олиш кўникмаларини ошириш ва мустаҳкамлашдан иборат. Талабаларга берилган мустақил таълим вазифаларига доир электрон адабиётлар тўплами ҳамда веб квест топшириқлари электрон таълим платформасида тақдим этилган.

Веб квест бу муаммога йўналтирилган фаолият бўлиб, унда талабалар ўзаро боғлиқ бўлган маълумотларнинг бир қисмини ёки барчасини Интернетдаги ресурслардан олади. Талабалар бу таълим технологиясидан фойдаланиш жараёнида электрон кутубхоналар, веб-сайтлардаги маълумотларни таҳлил қилиш ва қайта ишлаш учун зарур бўлган компьютер ва ахборот технологиялари соҳалари билан танишадилар. Шундай экан, диссертацияда тадқиқотнинг асосий мақсадидан келиб чиқиб, бўлажак муҳандисларнинг электрон таълим ресурсларидан фойдаланиш орқали мустақил таълим фаолиятини ташкил этишга мўлжалланган махсус дастурий восита ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш вазифаси қўйилган.

Ишлаб чиқилган электрон таълим платформасининг мақсади – талабаларнинг мустақил фаолиятини тизимли равишда ташкил этишга қаратилган. Мазкур дастурнинг афзалликлари қуйидаги 1-жадвалда келтирилган.

Мавжуд электрон ресурслар ва “Электрон таълим платформаси”нинг ўзига хосликлари

Мавжуд электрон ресурслар	Электрон таълим платформаси
<p>Мавжуд электрон ресурслардан керакли маълумотларни излаб топиш фойдаланувчига бироз ноқулайликни келтириб чиқаради:</p> <ul style="list-style-type: none"> -излаш учун кўп вақт сарфи; - аниқ маълумотнинг берилмаслиги; -кўп ҳолларда муаммонинг амалий жиҳатларини ёритишда қийинчиликларнинг юзага келиши; -муаммо юзасидан бир қанча сайтларга мурожаат қилиш эҳтимолининг юқорилиги. 	<p>“Электрон таълим платформаси”дан фойдаланиш қуйидаги афзалликларга эга:</p> <ul style="list-style-type: none"> - талабалар учун қулай имкониятлар яратилганлиги; - вақтнинг тежалиши; - турли электрон ресурслар битта сайтда жойлаштирилганлиги; - фойдаланишда тизимлиликнинг мавжудлиги - мавзу бўйича маълумотларнинг босқичма-босқич таклиф этилиши; - бир топшириқдан иккинчисига ўтишда баҳолаш имкониятининг мавжудлиги

Мустақил таълимни ташкил этишнинг таклиф этилган электрон платформаси (<https://selfedu.uz/>) мазмуни қуйидаги босқичларда амалга оширилади.

Юқорида таъкидланганидек, биринчи босқич иммитацион ўйин технологиялари асосида талабаларда мавзуни мустақил ўзлаштиришга мотивация беради. Ўйин технологиялари талабаларга ижобий туртки бериб, бевосита ва билвосита фанга бўлган муносабатларни янгилайди. Талабалар таълим олиш фаолияти жараёнида кўпроқ ўйинларга муҳтож. Таълим олиш жараёнига қўйилган доимий талаблар давомийлиги натижасида улар зерикарли бўлиб қолиши мумкин, лекин бу уларнинг зарурлигини йўқотмайди. Мазкур жараёнлар таълим олишга йўналтириган ўйинлар, тренинглар билан сайқалланса мақсадга мувофиқ бўлади. Асосийси, талабаларнинг руҳий ва ҳиссий ҳолати кўтарилади. Тадқиқот жараёнида яратилган “Электрон таълим платформаси”да хотирага мурожаат, харф териш, сирли жумла, менинг қаҳрамоним, заиф бўғин, бу ким каби ўйин технологиялари ўз аксини топган.

Таклиф этилган ўйинлар орқали талабалар: ўзларининг тўпланган билим ва кўникмаларини ижтимоий жиҳатдан мақбул тарзда намоён этиш имкониятига эга бўладилар; табиий импульслардан бири бўлган ақлий импульсни мос равишда кўрсатиш имконияти орқали тажрибаси ортади; эмоционал-ҳиссий муносабатларни ривожлантириш имкониятини топади; таълим олишда учраши мумкин кескинликларни бартараф этиш имкониятини беради; ижтимоий қоидаларни ўрганади; билимларини бойитиб бориш, ўз устида ишлаш кўникмасини ривожлантириб боради.

Иккинчи босқич бу ўрганиш босқичи бўлиб, талабалар ўқитувчи томонидан ўтилган мавзу режасининг ҳар бир бандига доир маълумотларни мустаҳкамлаш, мустақил равишда ўзлаштириб олинган билим ва кўникмаларни онлайн тестлар орқали назорат қилиб бориш имкониятига эга бўладилар. Ҳар бир бандга доир бажарилган тест натижаси кейинги бандга ўтишни белгилаб беради. Агар талабанинг мазкур банддан олган тест

натижалари қониқарли бўлмаса, ушбу бандни қайта ўзлаштиришга мажбур бўлади. Барча бандлардан энг камида қониқарли баҳо олган талабаларга кейинги босқичга, яъни амалий машғулотлар вазифаларини бажариш босқичига ўтишга рухсат берилади. Бу босқичда амалий машғулотлар юзасидан берилган назарий ва услубий кўрсатмаларни мустақил ўзлаштириш натижасида, талабалар ўқитувчи томонидан ўтиладиган аудитория амалий машғулотларига тайёрланиб борадилар. Бу жараён эса ўқитувчидан амалий машғулот мавзуси тегишли янги маълумотларни ўзлаштириб, талабаларга тақдим этишни талаб этади, яъни ўз устида ишлашни талаб этади. “Электрон таълим платформаси”да тақдим этилган амалий машғулот вазифаларини ўзлаштириб бўлгандан сўнг, тизим талабаларга тезкор (мантиқий) савол-жавобларни тақдим этади. Ушбу савол ва жавоблардан етарлича балл олган талабаларга лаборатория ишларини бажаришга рухсат берилади. Лаборатория ишлари топшириқлари мустақил бажарилган файллар текшириш учун ўқитувчига тақдим этилади.

Платформада ишлашнинг учинчи босқичида талабалар мустақил таълим мавзулари юзасидан веб-квест вазифаларини бажариши лозим. Педагогикадаги веб-квест муаммоли вазифа бўлиб, уларни бажариш учун Интернетнинг ахборот ресурсларидан фойдаланилади. Бу шуни англатадики, ўқитувчи топшириқларни тузишда Интернетда керакли маълумотларни топиш мумкин бўлган материалларни танлайди, талабаларга тегишли гиперҳаволалар беради. Буларнинг барчаси веб-квест сифатида ишлаб чиқилган ва тузилган “Электрон таълим платформаси” ресурсларида сақланади. Талабалар индивидуал равишда веб-квестнинг таклиф қилинган вазифаларини бажарадилар, охирида улар мавзу бўйича ўзларининг веб-саҳифаларини ёки бошқа ижодий ишларини электрон, босма ёки оғзаки шаклда тақдим этадилар.

“Электрон таълим платформаси”да таклиф этилган веб-квестларни бажаришда талабалар тайёр жавоблар ёки ечимларни олмайдилар, улар ўзларига берилган вазифани мустақил равишда бажарадилар. Шу сабабли, мазкур Веб-квестлар билан ишлаш талабаларга қуйидаги ҳолатларга ёрдам беради:

- талабаларни ўз устида ишлаши, имкониятларни таҳлил қилиши, ўзлари эришган натижаларини баҳолашига;
- ўз мустақил фаолиятини ташкил этишга;
- веб-квестлардаги муаммоли вазиятлар ечимини топиш орқали танқидий ва ижодий фикрлаш кўникмаларини ривожлантиришга;
- индивидуал ёндашувни амалга оширишга;
- касбий тафаккур қилиш қобилиятини ривожлантиришга хизмат қилади.

Шундай қилиб, веб-квест технологияси фаолиятга асосланган ёндашувга эга, деб айтишимиз мумкин.

Электрон таълим платформасида мустақил таълим мавзуси юзасидан керак бўладиган электрон таълим ресурслари электрон адабиётлар, электрон услубий кўрсатмалар, электрон веб-сайт манзиллари битта ойнада жамланганлиги талабалар учун қулайликлар яратади. Жумладан,

талабаларнинг электрон адабиётлар билан ишлай олиш кўникмаси ривожланади, мустақил таълим мавзусига доир турли манбалардан олинган маълумотларни таҳлил қилиш, кўп вақт сарфламасдан, самарали натижаларга эришиш имкониятларига эга бўладилар. Бундай педагогик методни қўллаш талабаларга мустақил таълим мавзуларини қисмларга бўлиб ўрганиш билан бир қаторда мавзуни чуқурроқ таҳлил қилишга, моҳиятни, мазмунини тушунишга ёрдам беради.

Талабалар томонидан мустақил таълим топшириқларини самарали ва мазмунли бажарилганлигини, ўзлаштирилган билим ва кўникмаларни амалиётга тадбиқ қилиш ҳамда ижодий фикрлаш қобилиятлари даражасини аниқлаш мақсадида, ҳар бир мавзуга мос веб-квест ишлаб чиқилиб, тақдим этилган. Электрон таълим платформасида тақдим этилган веб-квестни талаба томонидан мустақил бажарилиб, қилинган ишлар файлини юклаб, ўқитувчига тақдим этиш орқали талабаларнинг қилинган ишлари натижаси баҳоланади. Веб-квестни бажариш натижасида талабаларнинг электрон таълим ресурсларидан ҳамда Интернет саҳифаларидан фойдаланиб, керакли маълумотларни тезкор излаб топишни, касбий фаолиятга оид муаманинг ечимини топишни ўрганиш билан бир қаторда мустақил, ижодий ва эркин фикрлаш қобилиятлари ривожланади.

Диссертациянинг **“Педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш, ўтказиш методикаси ва натижалар таҳлили”** деб номланган учинчи бобида педагогик тажриба натижаларини олиш учун кузатув, сўровнома, тест ўтказиш, оғзаки ва ёзма сўров, ёзма иш каби турли усуллардан фойдаланилди.

Бўлажак муҳандисларда мустақил таълим кўникмасини такомиллаштириш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган педагогик тажриба-синов ишлари дастури тақдим этилган. Аниқланган кўникмаларни такомиллаштириш бўйича олиб борилган педагогик тажриба-синов натижалари тавсифланади.

Бўлажак муҳандисларда мустақил таълим кўникмасини такомиллаштириш модели ишлаб чиқилиб, унинг самарадорлиги амалиётда уч ўқув йили давомида (2018–2021 йиллари) Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтида, Бухоро муҳандислик-технология институтида ва Фарғона политехника институтида ўтказилган педагогик тажриба-синов ишлари натижалари асосида кўрсатилган.

Тажриба-синов ишлари тузилиши асосан ўрганишнинг методологик асосларидан, педагогик тажриба синов ишларини режалаштириш ва ташкил этишдан иборат бўлди. Тажриба синов ишларининг мақсади бўлажак муҳандисларда электрон таълим воситаларидан фойдаланган ҳолда мустақил таълим олиш кўникмасини такомиллаштириш жараёнининг ҳолатини ўрганишдан иборат. Тажриба синов ишлари давомида бўлажак муҳандисларда мустақил равишда таълим олиш кўникмасини такомиллаштириш ва унинг даражасини оширишга йўналтирилган ташкилий педагогик шарт-шароитларни аниқлашнинг ўзига хос хусусиятлари ўрганилди. Педагогик тажриба-синов ишлари мақсадидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилиши лозим бўлган қуйидаги вазифалар аниқланди:

- бўлажак муҳандисларда мустақил равишда таълим олиш кўникмасини такомиллаштириш жараёни моҳиятини очиб бериш;

- бўлажак муҳандисларда мустақил равишда таълим олиш кўникмаси шаклланганлигини баҳолаш мезонлари ҳамда даража кўрсаткичларини аниқлаш ва асослаш;

-бўлажак муҳандисларда мустақил равишда таълим олиш кўникмасини такомиллаштиришда электрон таълим ресурсларининг дидактик имкониятларини асослаш ва гурухлаш;

-тажриба синов ишларини ташкил этиш ва ўтказиш дастурини ишлаб чиқиш;

-танланган методлар, воситалар ва ташкилий педагогик шарт- шароитлар доирасида бўлажак муҳандисларда электрон таълим ресурслари воситасида мустақил таълим кўникмасини такомиллаштириш жараёнининг ишлаб чиқилган моделини амалга ошириш;

-электрон таълим ресурслар воситасида бўлажак муҳандисларда мустақил таълим кўникмасини такомиллаштириш даражаси динамикасини ташхислаш.

Бўлажак муҳандисларда мустақил равишда таълим олиш ташхисий кўникмасини такомиллаштириш бўйича амалга оширилган педагогик тажриба-синов ишлари **аниқлаш, изланиш, назорат** каби босқичларда амалга оширилди.

Тажриба-синов ишлари 2018-2019, 2019-2020, 2020-2021 ўқув йилларида Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтида, Бухоро муҳандислик-технология институтида ва Фарғона политехника институтида олиб борилди.

Бунда жами бўлиб 469 нафар талаба иштирок этди. Улардан тажриба гуруҳида (ТГ) 236 нафар талаба ва назорат гуруҳида (НГ) 233 нафар талаба қатнашишди. Талабаларга “Ахборот технологиялари” фанини ўқитиш жараёнида электрон ресурслардан фойдаланиш асосида мустақил таълим олиш амалга оширилди. Таълим жараёнида “Ахборот технологиялари” фанидан электрон ресурслардан фойдаланиб, олган билимларини мутахассислик масалаларни ечишга ва кейинчалик касбий фаолиятида қўллашга қаратилган вазифалардан фойдаланилди.

2-жадвал

Педагогик тажриба-синов ишларида иштирок этган талабалар сони

Барча ОТМлар	Кўрсаткичи	Тажриба гуруҳлари		Назорат гуруҳлари	
		Тажриба бошида	Тажриба охирида	Тажриба бошида	Тажриба охирида
Барча вилоятлар ОТМлари	Юқори	60	94	59	50
	Яхши	71	84	70	72
	Ўрта	80	44	76	80
	Паст	25	14	28	31
Жами		236	236	233	233

Талабаларининг “Ахборот технологиялари” фанидан электрон ресурслардан фойдаланиш компетентлигининг шаклланганлик даражаси, юқорида айтилганидек, диагностик усуллар орқали ўлчанди.

Тажриба-синов ишлари бошида ва охирида олинган натижаларга кўра, тажриба ва назорат гуруҳларида талабаларнинг электрон таълим ресурсларидан фойдаланиш асосида “Ахборот технологиялари” фани бўйича ўзлаштирган билимларининг ўсиш даражаси кўрсатилган.

